O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
ХОКИМА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2016 yil "04" август № 246

Farg'ona shahri

**Вилоятда 2016 йил пахта ҳосилини уюшқоқли билан, нес-нобуд қилмасдан ўз ватида ва сифатли йиғиб-териб олиш чора-тадбирлари тўғрисида**

2016 йил пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва мавжуд ҳосилни нес-нобуд қилмасдан териб олиб давлатга сотиш бўйича белгиланган тадбирларни тўлиқ амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 июлдаги ЭДО-03/1-72-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида;

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 июлдаги ЭДО-03/1-72-сонли йиғилиш баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

**2.** Вилоятда 2016 йил пахта йиғим-теримини ташкил этиш бўйича **Вилоят Пахта штаби таркиби 1-иловага;**

**Пахта штабининг гуруҳлар таркиби 2-иловага;**

2016 йил пахта хом-ашёсини йиғиб-териб олиш вилоят ва туман тизими (схемаси) **3-4иловаларга** асосан тасдиқлансин.

**3. Вилоят Пахта штаби гуруҳ раҳбарларига:**

пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан тартибли ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш;

транспорт техникаларидан самарали фойдаланиш ва ушбу техникаларни ёқилғи-мойлаш материаллари билан етарлича таъминлаш, пахта йиғим-теримини молиялаштириш ҳамда теримчилар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш;

йиғим-теримга жалб этилган ишчи-хизматчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва жойларда кўчма савдони ташкил этиш, маданият ва маиший хизматларни ҳамда жойларда кўчма тиббиёт пунктларини ташкил этиш топширилсин.

**4. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур йиғилиш баёни билан:**

2016 йил пахта ҳосилини ўз вақтида нес-нобуд қилмасдан териб олиш мақсадида отрядларни шакллантириш ҳамда улар томонидан пахта хом-ашёси теришни ташкил этиш Тартиби **4-иловага**;

2016 йил учун етиштирилган пахта хом-ашёси йиғим-теримини ташкил қилиш **Тизими 5-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

**5. Вилоят Пахта штаби, вилоят прокуратураси (келишув бўйича) туман ҳокимликлари билан биргаликда:**

ҳар бир корхона кесимида пахта йиғим-теримига жалб этиладиган теримчи сони, улар томонидан териб олиниши режалаштирилатёган пахта миқдори бўйича тақдимномалар тайёрлаш ва хашарчиларни сонидан келиб чиқиб, улар учун зарур бўладиган турар жойлари дислокацияларини белгилаш;

**жорий йилнинг 15 августига** қадар хашарчилар учун ётоқ жойлари ва шийпонларни тўлиқ таъмирлаш, талаб этиладиган озиқ-овқат захирасини яратиш, палаткалар ва брезентлар, идиш-товоқлар, зарурий ашё ва анжомлар билан таъминлаш, пахта қабул қилиш пунктларида тош-тарозилар ва майдонларни тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

мавсумга қадар пахта йиғим-теримини тизимли ташкил этиш бўйича жойларда ҳудудий семинарларни ўтказиб, ҳар бир отряд ва штабларнинг аниқ вазифаларини белгилаб бериш вазифалари юклатилсин.

6. **Вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Махмудов), вилоят Ички ишлар бошқармаси (Султонов), вилоят МТПлар бирлашмаси (Носиров), “Автомобил ва дарё транспорти агентлиги” вилоят бўлими (Умрзақов), “«Фарғонапахтасаноат»” МЧЖ, вилоят “Давтехназорат” инспекцияси туман ҳокимликлари билан биргаликда:**

**бир ҳафта муддатда** 2016 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда қатнашадиган транспорт воситалари ва бошқа техникалар учун талаб этиладиган шина ва бошқа эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун зарур бўлган маблағларни транспорт хизматларидан бўлган қарздорликлар ҳисобига “Автомобил ва дарё транспорти агентлиги” вилоят бўлими тақсимотига асосан хизмат кўрсатувчи автотранспорт корхоналари ҳисоб-рақамига ўтказиб берилишини;

**15 августга қадар** 2016 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда қатнашадиган мулк шаклидан қатъий назар барча транспорт воситалари ва бошқа техникаларни русуми бўйича туманлар кесимида аниқлаб, уларни “Автомобил ва дарё транспорти агентлиги” вилоят бўлими ва вилоят “Давтехназорат” инспекцияси томонларидан ишлаб чиқилган техник талабларга қатъий риоя қилган ҳолда таъмирлаш ишларини якунлашни;

**20 августга** қадар автобус ва автотранспортларнинг техник ҳолатини Давлат автомобил назорати (ДАН) ходимлари томонидан, қишлоқ хўжалиги техникаларини вилоят “Давтехназорат” инспекцияси томонидан инспекциядан ўтказишни таъминласинлар;

Пахта йиғим-теримига тайёргарлик бўйича амалга оширилган ишлар натижаси тўғрисида **1 сентябрга қадар вилоят ҳокимлигига ёзма равишда ахборот берсинлар.**

**7. Вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Махмудов), вилоят Марказий банк (Алиев)га:**

тижорат банклари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** 2016 йил пахта йиғим-теримида қатнашадиган техникаларни мавсумга тайёрлаш учун зарур бўладиган маблағлар манбааларини аниқлаш ва белгиланган меъёрлар доирасида ажратиш тавсия этилсин;

**ўн кун муддатда** пахта йиғим-терими мавсмида қатнашадиган терим отрядлари раҳбарларини рағбатлантириш мақсадида, отрядлар томонидан териб топширилган пахта хом-ашёсига фермер хўжаликлари томонидан иш ҳақи тўлаб берилиши юзасидан таклиф киритиш топширилсин.

**8. Барча туман ҳокимликлари:**

**икки кун муддатда** барча туманларда шахсан ҳокимлар раҳбарлигида Пахта штабларини ташкил этсин;

сентябр ойини беш кунликларга бўлиб, уларни ҳар бири учун алоҳида терим графиклари ишлаб чиқиб, пахтани асосий қисмини (80-85%) **10 октябрга қадар** териб олиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин, туман раҳбарлари ўз ҳудудларида терим графикларини барча фермер хўжаликлари кесимида тасдиқласин ҳамда бажарилишини таъминласин.

**9. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (Султанов):**

ҳашарчиларни ва пахтани ташийдиган автотранспорт воситаларини техник ҳолати бўйича қатъий назорат ўрнатиб, белгиланган йўналишлар бўйича ташкилий равишда теримчиларни манзилларга етказишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

тележкалар, усти очиқ машиналарда одам ташишга йўл қўймаслик чораларини белгилаш, шунингдек, ҳашарчилар ётадиган жойлар, пахта тозалаш заводларида ёнғин хавфсизлиги чораларини амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

**10. Белгилаб қўйилсинки, 2016 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда 18 ёшга тўлмаган ўқувчиларни терим тадбирларига жалб қилиш қатъий ман этилади.**

**11. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Умаров)га:**

пахта йиғим-теримига бошқа ҳудудлардан жалб этиладиган теримчилар учун ётоқхона ва шийпонларда кечаю-кундуз соғлиқни сақлаш ходимларидан иборат навбатчилик ташкил этиш;

ҳашарчилар жойлаштирилган ётоқхона ва шийпонларга зарур бўлган дори-дармон воситаларини етказиб бериш чораларини кўриш топширилсин.

12. **Вилоят Марказий банк (Алиев) ва барча тижорат банклари раҳбарлари** ҳар бир туманда пахта йиғим-теримида қатнашган теримчиларнинг терган пахтаси учун терим пулларини ҳар беш кунда (дам олиш кунларига тўғри келишидан қатъий назар) даланинг ўзида банк вакили томонидан тарқатилишига **шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.**

13. **Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Қўчқоров), улгуржи савдо базалари, туман ҳокимликлари билан биргаликда** теримчиларни кунлик озиқ-овқат маҳсулотлари (нон, ун, шакар, ёғ ва бошқа) билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ўрнатилган тартибда озиқ-овқатлар захирасини яратилишини таъминасинлар.

14. **Фарғона (Тожибоев) ва Қўқон (Тўйчиев) нефт база унитар корхоналари** 2016 йил пахта йиғим-терими мавсумида ҳашарчиларни ва пахтани ташиш учун Автомобил ва дарё транспорти вилоят агентлиги талабномаларига мувофиқ ёнилғи-мойлаш материалларини тўғридан-тўғри шартномалар асосида ўртача биржа нархларида етказиб берилишини таъминласин.

15. **Вилоят Давлат санитария эпидемология назорати маркази (Якубов):**

теримчиларга етарли шарт-шароит яратиб бериш, уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида жойлардаги касаба уюшмалари томонидан жамоат назоратини ўрнатиш;

Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Маънавият ва тарғибот марказининг жойлардаги бўлинмалари билан биргаликда теримчилар учун маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

16. **Вилоят Телерадиокомпанияси (Хатамов), "Фарғона ҳақиқати" ғазетаси (Собиров)** га туман ҳокимликлари билан биргаликда пахта йиғим-теримида фаол иштирок этган ва юқори кўрсаткичларга эришган теримчиларни оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар орқали кенг оммага ёритиб бориш вазифаси юклатилсин.

17. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вилоят ҳокими** **Ш.Ғаниев.**

*Вилоят ҳокимининг*
*2016 йил “04” августдаги*
*“246”-сонли қарорига*
*1-илова*

**Вилоятда 2016 йил пахта хом-ашёси йиғим-теримини ташкил этиш бўйича вилоят Пахта штаби таркиби**

| | | |
|---|---|---|
| Ш.Ғаниев | - | Вилоят ҳокими, ***вилоят Пахта штаб бошлиғи*** |
| Б.Пўлатов | - | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, ***Пахта штаби бошлиғининг ўринбосари*** |
| ***Аъзолар*** | | |
| А.Рахимов | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари |
| С.Қўчқоров | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари |
| Т.Тожиева | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари |
| У.Носиров | - | Вилоят ҳокимлиги котибият мудири |
| Т.Тожихакимов | - | Вилоят ҳокимлиги котибият мудири |
| И.Новиков | - | Йиғма бошқармаси бошлиғи |
| У.Акбаров | - | Вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи |
| Ғ.Боборахимов | - | Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари |
| Б.Жалолов | - | Вилоят божхона қўмитаси бошлиғи |
| О.Умаров | - | Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи |
| И.Жалилов | - | Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи |
| А.Шамсиддинов | - | Вилоят Статистика бошқармаси бошлиғи |
| З.Мамасолиев | - | «Фарғонапахтасаноат» МЧЖ раиси |
| Ж.Алиев | - | Вилоят Марказий банк бошқармаси бошлиғининг ўринбосари |
| Ш.Қосимов | - | Вилоят Агробанк бошқарувчиси |
| Ф.Зохидов | - | Маънавият ва тарғибот маркази директори |
| Ш.Носиров | - | Вилоят МТПлар бирлашмаси раҳбари |
| А.Умрзақов | - | “Автомобил ва дарё транспорти агентлиги” вилоят бўлими раҳбари |

*Вилоят ҳокимининг*
*2016 йил "04" августдаги*
*"246"-сонли қарорига*
*2-илова*

**Вилоят Пахта штабининг гуруҳлари таркиби:**

**I-гуруҳ: Транспорт техникаларининг тайёргарлигини таъминлаш бўйича**

| | | |
|---|---|---|
| А.Рахимов | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари, ***гуруҳ раҳбари*** |
| А.Шарипов | - | "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛК раҳбари |
| Ж.Казимов | - | Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари |
| Ш.Носиров | - | Вилоят МТПлар бирлашмаси раиси |
| А.Умрзақов | - | Автомобил ва дарё транспорти вилоят агентлиги раҳбари |
| О.Абдужабборов | - | "Автотеххизмат-Ф" АЖ раиси |

**II -гуруҳ: Транспорт техникаларини ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича**

| | | |
|---|---|---|
| Х.Долимов | - | Вилоят ҳокимлиги котибият мудири, ***гуруҳ раҳбари*** |
| И.Тожибоев | - | Фарғона нефт база УК раҳбари |
| З.Тўйчиев | - | Қўқон нефт база УК раҳбари |
| М.Якубов | - | "Ўздавнефтгазинспекция"си раҳбари |

**III -гуруҳ: Пахта йиғим-теримини молиялаштириш ҳамда теримчилар билан ҳисоб-китоб қилиш ишлари бўйича**

| | | |
|---|---|---|
| Ж.Алиев | - | Марказий банк бошлиғининг ўринбосари, ***гуруҳ раҳбари*** |
| И.Новиков | - | Йиғма бошқармаси бошлиғи |
| М.Қўчқоров | - | Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари |
| Ш.Қосимов | - | Агробанк бошқармаси бошлиғи |
| З.Мамасолиев | - | «Фарғонапахтасаноат» МЧЖ раисининг ўринбосари |

**IV -гуруҳ: Озиқ-овқат таъминоти ва жойларда савдони ташкил этиш бўйича**

| | | |
|---|---|---|
| С.Қўчқоров | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари, ***гуруҳ раҳбари*** |
| И.Новиков | - | Йиғма бошқармаси бошлиғи |
| И.Усупалиев | - | Фарғонадонмаҳсулотлари АЖ раиси |
| А.Аминов | - | Қўқондонмаҳсулотлари АЖ раиси |
| У.Махсудов | - | Боғдоддонмаҳсулотлари АЖ раиси |
| Б.Холматов | - | Қувадонмаҳсулотлари АЖ раиси |
| А.Мирзаахмедов | - | “Фарғона Ёғ-мой” АЖ раиси |
| М.Толипов | - | “Қўқон Ёғ-мой” АЖ раиси |
| | - | Вилоятдаги улгуржи савдо базалари |

**V -гуруҳ: Маданият ва маиший хизматларни ва жойларда кўчма медпунктларни ташкил этиш бўйича**

| | | |
|---|---|---|
| Т.Тожиева | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари, ***гуруҳ раҳбари*** |
| И.Жалилов | - | Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи |
| О.Умаров | - | Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи |
| Ш.Полвонов | - | “Камолот” ЁИҲ вилоят кенгаши раиси |
| Х.Маматқулов | - | Вилоят ҳокимлиги мутахассиси |

**Мониторинг гуруҳи**

| | | |
|---|---|---|
| У.Носиров | - | Вилоят ҳокимлиги котибият мудири |
| З.Мамасолиев | - | «Фарғонапахтасаноат» МЧЖ раиси ўринбосари |

Вилоят хокимининг
2016 йил «04» августдаги
246-сонли қарорига
3-илова

# Фарғона вилоятида 2016 йил пахта хом-ашёсини йиғиб-териб олиш тизими (схемаси)

**МАСЪУЛЛАР**

**Х.Мирзохидов** - Ахборот технологиялари ва комуникацияларни ривожлантириш вазири

**Шартномавий режа** - 274 000 тонна
**Теримчилар сони** - 447 000 нафар

| Вилоят ҳокими - **Ш.Ганиев** | Вилоят прокурори - **М.Абдурахманов** | Вилоят ИИБ бошлиғи - **А.Султанов** |
|---|---|---|
| **Ёзёвон тумани**<br>Бириктирилган вакил - **З.Тешабоев**<br>Халқ таълими бошқармаси бошлиғи<br>Туман ҳокими - **С.Тошпўлатов**<br>Туман прокурори - **Ф.Исмоилов**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **Ш.Мўминов**<br>Шартномавий режа - **17 486 тонна**<br>Теримчилар сони - **31 000 киши** | **Бешариқ тумани**<br>Бириктирилган вакил - **Г.Мамаджонов**<br>БСР жамғармаси вилоят филиали раҳбари<br>Туман ҳокими - **Н.Отажонов**<br>Туман прокурори - **Ш.Турдалиев**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **С.Саидмусаев**<br>Шартномавий режа - **26 635 тонна**<br>Теримчилар сони - **41 000 киши** | **Боғдод тумани**<br>Бириктирилган вакил - **Б.Элчиев**<br>Вилоят Маҳалла хайрия жамоат фонди раиси<br>Туман ҳокими - **С.Зокиров**<br>Туман прокурори - **Б.Вахобов**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **Г.Паттаев**<br>Шартномавий режа - **18 320 тонна**<br>Теримчилар сони - **32 000 киши** |
| **Қува тумани**<br>Бириктирилган вакил - **О.Умаров**<br>Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи<br>Туман ҳокими - **З.Рахмонов**<br>Туман прокурори - **А.Маматалиев**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **Н.Миллажонов**<br>Шартномавий режа - **24 130 тонна**<br>Теримчилар сони - **36 000 киши** | **Данғара тумани**<br>Бириктирилган вакил - **Ф.Зохидов**<br>"Маънавият тарғибот маркази" вилоят бўлими раҳбари<br>Туман ҳокими - **Ш.Абдусаломов**<br>Туман прокурори - **А.Тўхтасинов**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **Х.Солиев**<br>Шартномавий режа - **21 708 тонна**<br>Теримчилар сони - **35 000 киши** | **Бувайда тумани**<br>Бириктирилган вакил - **А.Шамсиддинов**<br>Вилоят Статистика бошқармаси бошлиғи<br>Туман ҳокими - **А.Рахмонов**<br>Туман прокурори - **Г.Фозилов**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **Ш.Мавлонов**<br>Шартномавий режа - **16 640 тонна**<br>Теримчилар сони - **31 000 киши** |
| **Қўштепа тумани**<br>Бириктирилган вакил - **Ш.Тошматов**<br>Фарғона давлат университети ректори<br>Туман ҳокими - **Б.Жуманов**<br>Туман прокурори - **Қ.Темиров**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **Н.Сотволдиев**<br>Шартномавий режа - **24 173 тонна**<br>Теримчилар сони - **40 000 киши** | **Ўзбекистон тумани**<br>Бириктирилган вакил - **М.Бобоходжаев**<br>Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раҳбари<br>Туман ҳокими - **А.Бобораҳимов**<br>Туман прокурори - **М.Ғаниев**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **А.Атхамов**<br>Шартномавий режа - **14 780 тонна**<br>Теримчилар сони - **26 000 киши** | **Олтиариқ тумани**<br>Бириктирилган вакил - **Х.Абдуллаев**<br>Вилоят Меҳнат бошқармаси бошлиғи<br>Туман ҳокими - **А.Бўтаев**<br>Туман прокурори - **А.Мирзаев**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **Р.Юлдашев**<br>Шартномавий режа - **22 380 тонна**<br>Теримчилар сони - **33 000 киши** |
| **Тошлоқ тумани**<br>Бириктирилган вакил - **А.Якубов**<br>Вилоят ДСЭНМ бошлиғи<br>Туман ҳокими - **Х.Умаров**<br>Туман прокурори - **Б.Имоилов**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **Х.Содиқов**<br>Шартномавий режа - **18 205 тонна**<br>Теримчилар сони - **28 000 киши** | **Учкўприк тумани**<br>Бириктирилган вакил - **О.Отақулов**<br>Политехника институти ректори<br>Туман ҳокими - **М.Деҳқонов**<br>Туман прокурори - **Ф.Алиев**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **Р.Мусаев**<br>Шартномавий режа - **19 154 тонна**<br>Теримчилар сони - **29 000 киши** | **Риштон тумани**<br>Бириктирилган вакил - **А.Тешабоев**<br>Вилоят Солиқ инспекцияси бошлиғи<br>Туман ҳокими - **Г.Мамадалиев**<br>Туман прокурори - **Х.Оринов**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **А.Насриддинов**<br>Шартномавий режа - **20 084 тонна**<br>Теримчилар сони - **30 000 киши** |
| **Фарғона тумани**<br>Бириктирилган вакил - **Б.Султонов**<br>Вилоят Савдо саноат палатаси<br>Туман ҳокими - **С.Имомалиев**<br>Туман прокурори - **Б.Усмонов**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **Р.Ахмедов**<br>Шартномавий режа - **12 140 тонна**<br>Теримчилар сони - **25 000 киши** | **Фуркат тумани**<br>Бириктирилган вакил - **М.Холдоров**<br>Вилоят ЎМКХТ ҳудудий бошқармаси бошлиғи<br>Туман ҳокими - **Н.Назиров**<br>Туман прокурори - **О.Хошимов**<br>Туман ИИБ бошлиғи - **Ж.Хасанов**<br>Шартномавий режа - **18 165 тонна**<br>Теримчилар сони - **30 000 киши** | |
| **Жами 5 та туман бўйича**<br>Шартномавий режа - **96 134 тонна**<br>Теримчилар сони - **160 000 киши** | **Жами 5 та туман бўйича**<br>Шартномавий режа - **100 442 тонна**<br>Теримчилар сони - **161 000 киши** | **Жами 4 та туман бўйича**<br>Шартномавий режа - **77 424 тонна**<br>Теримчилар сони - **126 000 киши** |

**Вилоят хокимининг**
**2016 йил «04» августдаги**
**246-сонли қарорига**
**4-илова**

***НАМУНА***

## Фарғона вилояти Учкўприк туманида 2016 йил пахта хом-ашёсини йиғиб-териб олиш тизими (схемаси)

**МАСЪУЛЛАР**
**М.Дехконов** - Туман хокими
**Ф.Алиев** - Туман Прокурори
**Р.Мусаев** - Туман ИИБ бошлиги

**Шартномавий режа** - **19 154 тонна**
**Теримчилар сони** - **29 000 киши**

Туман **хокими** - **М.Дехконов**

Туман Прокурори - **Ф.Алиев**

Туман ИИБ бошлиги - **Р.Мусаев**

**ММТП**
Шартномавий режа -
Теримчилар сони -
**Идора, ташкилотлар ва ўқув юртлари**
- **Фермерлар отряди**
Теримчилар сони -
- **Бюджет хисобидан**
Теримчилар сони -
- **Хужалик хисобидан**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Уюшмаган ахоли отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Ташаббускорлар отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Жами бошқа хашарчилар**
Теримчилар сони -

**ММТП**
Шартномавий режа -
Теримчилар сони -
**Идора, ташкилотлар ва ўқув юртлари**
- **Фермерлар отряди**
Теримчилар сони -
- **Бюджет хисобидан**
Теримчилар сони -
- **Хужалик хисобидан**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Уюшмаган ахоли отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Ташаббускорлар отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Жами бошқа хашарчилар**
Теримчилар сони -

**ММТП**
Шартномавий режа -
Теримчилар сони -
**Идора, ташкилотлар ва ўқув юртлари**
- **Фермерлар отряди**
Теримчилар сони -
- **Бюджет хисобидан**
Теримчилар сони -
- **Хужалик хисобидан**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Уюшмаган ахоли отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Ташаббускорлар отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Жами бошқа хашарчилар**
Теримчилар сони -

________ **ММТП**
Шартномавий режа - ________
Теримчилар сони - ________
**Идора, ташкилотлар ва ўқув юртлари**
- **Фермерлар отряди**
Теримчилар сони -
- **Бюджет хисобидан**
Теримчилар сони -
- **Хужалик хисобидан**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Уюшмаган ахоли отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Ташаббускорлар отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Жами бошқа хашарчилар**
Теримчилар сони -

________ **ММТП**
Шартномавий режа - ________
Теримчилар сони - ________
**Идора, ташкилотлар ва ўқув юртлари**
- **Фермерлар отряди**
Теримчилар сони -
- **Бюджет хисобидан**
Теримчилар сони -
- **Хужалик хисобидан**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Уюшмаган ахоли отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Ташаббускорлар отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Жами бошқа хашарчилар**
Теримчилар сони -

________ **ММТП**
Шартномавий режа - ________
Теримчилар сони - ________
**Идора, ташкилотлар ва ўқув юртлари**
- **Фермерлар отряди**
Теримчилар сони -
- **Бюджет хисобидан**
Теримчилар сони -
- **Хужалик хисобидан**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Уюшмаган ахоли отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Ташаббускорлар отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Жами бошқа хашарчилар**
Теримчилар сони -

________ **ММТП**
Шартномавий режа - ________
Теримчилар сони - ________
**Идора, ташкилотлар ва ўқув юртлари**
- **Фермерлар отряди**
Теримчилар сони -
- **Бюджет хисобидан**
Теримчилар сони -
- **Хужалик хисобидан**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Уюшмаган ахоли отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Ташаббускорлар отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Жами бошқа хашарчилар**
Теримчилар сони -

________ **ММТП**
Шартномавий режа - ________
Теримчилар сони - ________
**Идора, ташкилотлар ва ўқув юртлари**
- **Фермерлар отряди**
Теримчилар сони -
- **Бюджет хисобидан**
Теримчилар сони -
- **Хужалик хисобидан**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Уюшмаган ахоли отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Ташаббускорлар отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Жами бошқа хашарчилар**
Теримчилар сони -

________ **ММТП**
Шартномавий режа - ________
Теримчилар сони - ________
**Идора, ташкилотлар ва ўқув юртлари**
- **Фермерлар отряди**
Теримчилар сони -
- **Бюджет хисобидан**
Теримчилар сони -
- **Хужалик хисобидан**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Уюшмаган ахоли отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Ташаббускорлар отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Жами бошқа хашарчилар**
Теримчилар сони -

________ **ММТП**
Шартномавий режа - ________
Теримчилар сони - ________
**Идора, ташкилотлар ва ўқув юртлари**
- **Фермерлар отряди**
Теримчилар сони -
- **Бюджет хисобидан**
Теримчилар сони -
- **Хужалик хисобидан**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Уюшмаган ахоли отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Ташаббускорлар отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Жами бошқа хашарчилар**
Теримчилар сони -

________ **ММТП**
Шартномавий режа - ________
Теримчилар сони - ________
**Идора, ташкилотлар ва ўқув юртлари**
- **Фермерлар отряди**
Теримчилар сони -
- **Бюджет хисобидан**
Теримчилар сони -
- **Хужалик хисобидан**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Уюшмаган ахоли отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Ташаббускорлар отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Жами бошқа хашарчилар**
Теримчилар сони -

________ **ММТП**
Шартномавий режа - ________
Теримчилар сони - ________
**Идора, ташкилотлар ва ўқув юртлари**
- **Фермерлар отряди**
Теримчилар сони -
- **Бюджет хисобидан**
Теримчилар сони -
- **Хужалик хисобидан**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Уюшмаган ахоли отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Ташаббускорлар отряди**
Теримчилар сони - *(жойида шакллантирилади)*
- **Жами бошқа хашарчилар**
Теримчилар сони -

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил
«___» июлдаги ____сонли баёнига
**4-илова**

**2016 йил пахта ҳосилини ўз вақтида нес-нобуд қилмасдан териб олиш мақсадида отрядларни шакллантириш ҳамда улар томонидан пахта хом ашёси теришни ташкил этиш**
**ТАРТИБИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жорий йилда пахта теримини бошлаш муддатлари асосий майдонларда режа-ҳосилдорликка нисбатан **75-80 фоиз** кўсаклар очилганидан кейин амалга оширилади.

2. Терим тартиб билан, **фақат отряд усулида** ташкил этилади. Пахта теримида қатнашиш ҳуқуқи, биринчи навбатда фермер хўжаликларининг ишчиларига ҳамда уларнинг вояга етган оила аъзоларига берилади. Шунингдек, терим отрядлари қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла раислари ва жамоатчиликнинг тавсияларига кўра шу ҳудудда яшовчи уюшмаган аҳоли ҳамда ташкилот, муассасалар ходимлари, олий ўқув юртлари талабалари ҳисобига шаклланади. Бунда мактаб ўқувчиларини терим отрядларига жалб этиш қатъиян тақиқланади.

3. Туманда терим отрядлари сони пахта экилган майдонлар ва уларнинг ҳосилдорлигидан келиб чиқиб белгиланади.

Мисол учун, бир теримчига бир кунда ўртача **50 кг. пахта терса 20 кунда 1 тонна териб олади.**

Ўртача ҳосилдорлик гектаридан 30 центнер бўлган даладаги жами 3 тонна пахтани ҳар бир теримчи 1 тоннасини терганда, ўртача **1 гектарга 3 нафар** теримчи бириктирилиши керак бўлади.

**10 минг гектар** пахта майдони бўлган туманда камида 30 минг теримчи жалб этилади.

Ҳар бир отрядда ўртача 200 теримчи бўлса, демак ушбу туманда 150 та терим отряди шакллантирилиши керак.

Уюшмаган аҳолидан ташкил этилган отрядларда ҳар **30-35 теримчига** маҳалла фаолларидан ҳамда уюшган теримчилар (корхона, ташкилот ва ҳ.к.) ҳисобига ташкил этилган отрядларда ҳар **50 теримчига** мазкур корхонадан бир масъул бириктирилади.

Ушбу масъуллар ўзига бириктирилган теримчиларни ўз вақтида пахта теримига чиқишига, кунлик нормаларни бажарилишига, ўз вақтида даладан қайтишига, терим якунига қадар теримчиларни отряддан кетиб қолмаслигига ҳамда уларнинг хавфсизлигига жавоб беради.

4. Терим отряди раҳбарлигига туман ҳокимлиги тавсиясига кўра тумандаги тажрибали, обрў-эътиборга эга бўлган масъул ходимлар (маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, ташкилотлар раҳбарлари, мактаб ва коллежлар директорлари ёки ўринбосарлари ва ҳ.к.) тайинланади. Отряд раҳбаридан ташқари ҳар бир отрядга иккитадан «тарозибон-ҳисобчи» тайинланади.

Ҳар бир терим отрядига алоҳида ҳудуд (70-75 гектар пахта майдони) ёки 3-4 та фермер хўжалиги қатъиян бириктириб қўйилиши шарт.

5. Терим отряди раҳбарлари ўзларига бириктирилган фермер хўжаликларининг далаларидаги пахтанинг ҳолати билан танишиб чиқади ва фермер хўжаликлари раҳбарлари билан биргаликда туман фермерлари Кенгаши билан келишган ҳолда пахта терими ўтказишнинг кунма-кун графигини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Шунингдек, ҳар бир теримчига кунлик норма белгиланади. Графикка асосан терим ўтказиладиган кундан олдинроқ, ушбу далада ўз вақтида иссиқ овқат, чой, тоза сув ва бошқа шароитлар, шунингдек тарози, тележка ва бошқа зарур анжомларни таъминлаш, ҳашарчилар учун ётоқ жойларни тайёрлаб қўйиш фермер хўжалиги раҳбари, пахта заводи раҳбарлари ва отряд раҳбарига юклатилади.

6. Терим отряди раҳбари кун якунида териб тележкага ортилган пахта хом-ашёсини шу куннинг ўзида қабул пунктларига жўнатилишига ва жўнатилган пахта миқдори ҳақида туман штабига маълумотларни етказишига, теримчиларни эртага қайси далада терим ўтказилиши ҳақида хабардор қилиб, терим пули ҳисобини якунига етказиш, ҳар беш кунда (зарур ҳолларда кунлик) эса теримчиларга терим пули тарқатиб берилишини таъминлаши шарт.

Шунингдек, туман ҳокимлари пахта тайёрлаш корхоналари, фермер хўжаликлари раҳбарлари билан биргаликда мавсум давомида илғор теримчиларни совғалар билан рағбатлантириб бориш тизимини ташкил этиши зарур.

7. Биринчи терим билан иккинчи терим ўртасида камида 10 кун ва кейинги теримлар ўртасида камида 5 кун муддат ўтиши шарт. Бунда барча ҳудудларда жами ҳосилни йиғиштириб олиш **30-35 кундан** чўзилиб кетмаслиги керак. Энг муҳими асосий майдонларда ғўза қатор орасига бошоқли дон экилишини ҳисобга олиш керак. Терим отрядлари раҳбарлари ўзларига бириктирилган ҳудуддаги охирги чаноқни териб олинишигача масъулдир.

8. Туманда пахта йиғим теримини уюшқоқлик билан ташкил қилиш ҳамда терим отрядлари ишини мувофиқлаштириш мақсадида туман ҳокими раҳбарлигида туман пахта штаби ташкил этилади. Туман пахта штаби терим отрядлари раҳбарларини тасдиқлаб, уларга аниқ ҳудудларни бириктириб беради.

Терим отрядларига зарур бўлган этак, тарози, тележка, брезент, канор қоп, сув қайнатгич, қозон, ўчоқ каби зарурий анжомларни туманга хизмат кўрсатувчи пахта тозалаш заводи билан биргаликда ҳал қилиб беради.

Бунда ҳар бир теримчига камида 2 тадан этак, биринчи теримда ҳар 40-50 теримчига биттадан тележка, ёпқич ва тарози, ҳар бир отрядда камида 2 та транспорт трактори, автомашина ҳамда тоза сув ташувчи цистерна, самовар ва бошқа шароитлар назарда тутилиши шарт. Ҳар бир отряд раҳбарлари билан уяли телефон орқали доимий алоқа ўрнатилиши лозим.

9. Туман пахта штаби отряд раҳбарларидан ҳар куни кеч соат 22-00 гача терилган ва пунктларга топширилган пахта хом-ашёси ҳақидаги ёзма маълумотни олиб, жамлаб соат 23-00 гача вилоят пахта штабига факс орқали (махсус формада) топширади. Вилоят пахта штаблари туман пахта шабларидан терим ҳақида олинган маълумотларни жамлаб кеч соат 24-00 гача Республика пахта штабига факс орқали (махсус формада) топширади.

10. Ҳар бир отрядда камида 2 та ёки ҳар юзта теримчига битта тарозибон - ҳисобчиси бўлади. У фермер хўжалиги вакили билан биргаликда терилган пахтани тарозида тортиб олади ва кунлик терилган пахтанинг ҳисоб-китобини юритади. Тарозибон – ҳисобчи фермер хўжалиги вакили билан биргаликда тележкага юкланган пахтани шу куннинг ўзида пунктга топширилишига ва теримчиларга терим ҳақини **ҳар беш кунда** тарқатилишига шахсан жавоб беради.

11. Вилоят пахта штаби – вилоятдаги барча терим отрядлари ҳамда туман пахта штабларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Вилоятда пахта мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни амалга оширади.

Мавсум бошлангунга қадар:

- мулк шаклидан қатъий назар теримда иштирок этадиган барча трактор ва тиркамаларни ҳамда бошқа техника воситаларини ҳолатини ўрганиш учун бир ерга тўплаб, таъмирлаб, зарур эҳтиёт қисмлар, шиналар ва бошқа жиҳозлар билан бутланишини таъминлайди;

- вилоят банклари билан биргаликда теримчиларга терим пули берилишида узилишларга йўл қўймай ҳар беш кунда амалга оширилишини кафолатлайди;

- теримда иштирок этувчиларнинг маданий ва маиший хордиқ чиқаришлари, транспорт ва медицина хизматидан фойдаланишлари ва бошқа шароитларни яратади;

- пахта терими ва топширилиши бўйича расмийлаштириладиган барча турдаги бланкалар, журналлар, ҳисобот ва маълумот формаларини ишлаб чиқиб, туман штабларига ва терим отрядларига етказади;

- терим отрядлари, туман пахта штабларида ва умуман пахта тайёрлашда олиб бориладиган тезкор ва статистик маълумотларнинг ўз вақтида ҳамда ҳаққоний юритилишига вилоят пахта штаби раҳбари - вилоят ҳокими шахсан масъулдир.

12. Вилоят «Пахтасаноат» филиаллари, туман пахта тозалаш заводлари ҳамда қабул қилиш пунктлари фермер хўжаликларидан олиб келинган, пахта хом-ашёси ортилган техника воситаларини кўпи билан 30 минутда қабул қилиб олиб, тиркамани бўшатиб беришлари шарт.

13. Туман статистика бўлимлари ҳар куни топширилган пахтага ПК-17 қабул қилиш хужжатларини расмийлаштирилишини назоратга олиб, қўшиб ёзишларнинг кескин олдини олишлари талаб этилади.

14. Вилоят ва туман пахта штаблари контрактация шартномаларини бажармаётган фермер хўжаликлари билан жиддий шуғулланиб терим давридаёқ зарур чораларни кўришлари шарт.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил
«___» июлдаги ____сонли баёнига
**5-илова**

**2016 йил ҳосили учун етиштирилган пахта хом ашёси йиғим-теримини ташкил қилиш**
# ТИЗИМИ

1. Пахта хом ашёси йигим-теримини тизимли ташкил қилиш ва мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида республиканинг ҳар бир ҳудудига вазирлик ва идоралардан масъул раҳбарлар бириктирилади.

2. Вазирлик ва идоралардан ҳудудларга бириктирилган масъул раҳбарлар ўз ҳудудида вилоят ташкилотлари ва идоралари раҳбарларидан ҳар бир туманга масъул вакил бириктирилишини таъминлайди.

3. Вилоят ташкилотидан туманга масъул бўлган раҳбар туман ҳокими, туман прокурори ва ички ишлар бўлими бошлиғи билан биргаликда пахта теримини қайси фермер даласидан бошланишини, битта отряд қанча пахта ҳосили теришини, шундан келиб чиқиб, нечта отряд шакллантириш ва ҳар бир отрядда қанча теримчи бўлишини ҳисоб-китоб қилади, шунингдек, отрядларни дислокациясини ишлаб чиқади.

4. Туманга пахта йиғим-терими учун бошқа ҳудудлардан жалб қилинадиган хашарчиларга бўлган эҳтиёжни аниқлайди ва уларни жойлаштириш дислокациясини ишлаб чиқади.

5. Туманга бириктирилган масъул вакил туман ҳокими, туман прокурори ва ички ишлар бўлими бошлиғи билан бирга туман ташкилотлари ва идоралар раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, маҳалла раислари, коллеж ва ўрта мактаб директорлари ўринбосарлари шунингдек, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган туман фаолларидан отряд раҳбарларини танлайди.

6. Пахта теримида иштирок этиш орқали қўшимча даромад олишни мақсад қилган уюшмаган аҳоли (*маҳалла ва бандлик хизматлари орқали ёлланган ишсизлар, иқтисодий нофаол ва нафақа олувчи аҳоли*) ҳамда уюшган аҳолидан (*корхона ва ташкилотларда фаолият юритувчи ходимлар*) иборат ихтиёрий теримчилар рўйхатини шакллантиради.

7. Пахта хом ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари раҳбарлари **1-иловага мувофиқ** намуна асосида уларни номидан пахта йиғим-теримига теримчиларни жалб этиш юзасидан шартномаларни тузиш ваколатини туман фермерлар Кенгашига бериш тўғрисидаги ишончнома расмийлаштирилишини таъминлайди.

8. Уюшган аҳоли вакилларидан теримчилар отрядини шакллантириш учун туман фермерлар Кенгаши ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ўртасида **2-иловага мувофиқ** намуна асосида дастлабки келишувни тузилишини таъминлайди.

9. Ихтиёрий теримчилар жамоаси йиғилишини ўтказиб, унда отряд раҳбарлигига танланган номзодларни кўриб чиқилишини ва отряд раҳбарлари очиқ овоз бериш йўли билан тайинланишини ҳамда **3-иловага мувофиқ** намуна асосида йиғилиш баённи расмийлаштирилишини ташкил қилади.

10. Шакллантирилган терим отрядлари ва туман фермерлар Кенгаши ўртасида **4-иловага мувофиқ** намуна асосида хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни тузилишини таъминлайди.

11. Ҳар бир терим отряди бўйича **5-иловага мувофиқ** намуна асосида отряд Паспорти ишлаб чиқилишини назоратга олади. Бунда, ҳар 20-30 нафар теримчига бир нафардан масъул бириктирилиб, улар ўзига бириктирилган теримчиларни ҳар куни ўз вақтида далага тўлиқ келишини таъминлайди.

12. Юқоридаги вазифаларни ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлашга республика вазирлик ва идораларидан вилоятга бириктирилган масъул раҳбар шахсан жавобгар ҳисобланади.

2016 йил ҳосили учун етиштирилган пахта
хом ашёси йиғим-теримини ташкил
қилиш тизимига **1-илова**

# ИШОНЧНОМА

____________ тумани/шаҳри                    20___ йил «___» ________

Ушбу ишончнома орқали қуйида рўйхати келтирилган ___________ вилояти ___________ туманида фаолият юритувчи фермер хўжаликлари ___________ туман фермерлар кенгашига *(кенгашнинг тўлиқ юридик манзили)* фермер хўжалиги номидан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга ваколат беради:

амалдаги қонун талабларига риоя этиш шарти билан фермер хўжалиги номидан 2015 йил пахта терими мавсумида теримчилар (ҳашарчилар)ни жалб этиш юзасидан шартнома тузиш;

шартнома доирасида теримчилар (ҳашарчилар) жамоасига кўрсатмалар бериш;

ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ барча зарур ҳаракатларни амалга ошириш.

Ушбу ишончнома ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқисиз 3 ой муддатга берилди.

Ишончнома имзоланган кундан кучга киради.

| № | фермер хўжалигининг номи | тўлиқ юридик манзили | фермер хўжалиги раҳбарининг Ф.И.Ш. | фермер хўжалиги раҳбари имзоси | фермер хўжалиги мухри |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |

2016 йил ҳосили учун етиштирилган пахта
хом ашёси йиғим-теримини ташкил
қилиш тизимига **2-илова**

# ДАСТЛАБКИ КЕЛИШУВ

## Пахта йиғим-теримида иштирок этувчи ҳашарчилар учун муносиб шароит яратиш тўғрисида

____________ тумани/шаҳри 20 ___ йил «___» ________

Мазкур келишувнинг тенг ҳуқуқли тарафлари деб эътироф этилувчи маҳсулот (пахта) етиштирувчилар манфаатини ифода этувчи Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши (бундан кейин "Маҳсулот етиштирувчилар") ва иш берувчилар манфаатини ифода этувчи ____________________________________ (бундан кейин "Иш берувчилар") мазкур келишувни қуйидагилар юзасидан туздилар:

### I. Келишув мақсадлари:

1. Келишувнинг мақсади пахта терими орқали қўшимча даромад олишни мақсад қилган ходимларни ёллашнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини мувофиқлаштиришдан иборат.

### II. Тарафларнинг мажбуриятлари:

2.1. Келишув мақсадларига эришиш учун, тарафлар қуйидаги мажбуриятларни зиммаларига оладилар:

2.1.1. **Иш берувчилар** мавжуд имкониятлари доирасида:

Ходимлар контингентининг 20 фоизидан ортмаслиги шарти билан пахта теримида иштирок этиш орқали қўшимча даромад олишни мақсад қилган ходимлар учун иш ҳақи ва иш жой сақланган ҳолда пахта теримида иштирок этиш учун имконият яратади;

Хашарчиларнинг тегишли ҳудудга бориш-келишларини ташкил этади.

2.1.2. **Маҳсулот етиштирувчилар** мавжуд имкониятлари доирасида:

терилган пахта хом ашёси учун ўз вақтида ҳақ тўлайди;

пахта йигим-теримида иштирок этувчи хашарчи-ходимларнинг хавфсизлигини таъминлайди, улар учун муносиб маиший, гигиеник шароитлар яратади ва зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситалари билан таъминлайди.

2.2. Ходимлар ва фермер хўжаликларининг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш юзасидан муносабатлари қонунда белгиланган тартибда расмийлаштириладиган шартнома воситасида тартибга солинади.

2.3. Тарафлар мазкур битим доирасида мажбуриятларни бажармаганликлари, лозим даражада бажармаганликлари, шу жумладан, мажбурий ва зўраки меҳнатга, шунингдек вояга етмаган шахсларни меҳнатнинг тақиқланган шаклларига жалб этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгардирлар.

2.4. Ходимнинг пахта теримида иштирок этганлик (шу жумладан, иштирок этмаганлик) ҳолати билан боглиқ ҳолда унга нисбатан камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек асоссиз устиворликлар бериш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка асос бўлади.

## III. Низоларни ҳал қилиш тартиби

3.1. Тарафлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади.

3.2. Ўзаро келишувга эришилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

## IV. Якунловчи қоидалар

4.1. Битим бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

4.2. Битимга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг келишуви билан ёзма шаклда амалга оширилади.

4.3. Битим тарафлардан бирининг ташаббуси билан бошқа тарафни 10 кун олдин огоҳлантириш шарти билан бир томонлама бекор қилиниши мумкин.

4.4. Битим тарафлар томонидан имзоланган пайтдан кучга киради ва мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилгунига қадар амал қилади.

4.5. Тарафлар ўзаро келишувига кўра, битимга оид муносабатлар доирасида бошқа шартларни ҳам назарда тутишлари мумкин.

## V. Реквизитлар:

| “**ИШ БЕРУВЧИЛАР**” | “**МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР**” |
| --- | --- |

2016 йил ҳосили учун етиштирилган пахта
хом ашёси йиғим-теримини ташкил
қилиш тизимига **3-илова**

## Теримчилар ихтиёрий жамоасининг йиғилиш

## БАЁНИ

2016 йил «___» ____________ № ___ ______________ ш. (т.)

Йиғилишда иштирок этаётган аҳоли сони – ___нафар
*(рўйхат илова қилинади)*

Раислик қилувчи: ________________
(Ф.И.Ш.)

### КУН ТАРТИБИ:

1. Пахта йиғим-терим мавсумида ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиб олишга ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шарти билан кўмаклашишда аҳолининг иштироки тўғрисида.

**Эшитилди:** Кун тартибидаги масала юзасидан, йиғилиш иштирокчилари ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Хусусан, муҳокама жараёнида пахта йиғим-терим мавсумида ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиб олишга кўмаклашиш ҳар бир ходимнинг фуқаролик бурчи эканлиги ҳамда ушбу фаолият аҳоли даромадларини кўпайтириш учун ҳам хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, пахта ҳосилини йиғиб олишда иштирок этиш юзасидан ихтиёрий жамоа (отряд) шакллантириш таклиф этилиб, унга раҳбар сифатида ______________ номзоди кўрсатилди.

Шундан сўнг, юқоридаги масалалар йиғилиш иштирокчилари овозига қўйилди. Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

Ёқлаб ___ та овоз;
Қарши ___ та овоз;
Бетараф ___ та овоз.

Теримчилар ихтиёрий жамоаси (отряди) раҳбарига жамоа аъзолари номидан фермер хўжаликлари ёки уларнинг вакиллари билан тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини имзолаш ваколатини бериш таклифи киритилиб, бир овоздан маъқулланди. Мазкур таклифга номзоднинг ўзи қаршилик билдирмади.

### Қарор қилинди:

1. Теримчилар ихтиёрий жамоаси (отряди) раҳбари сифатида ______________ сайлансин.

2. ______________ га теримчилар ихтиёрий жамоаси (отряди) аъзолари номидан фермер хўжаликлари ёки уларнинг вакиллари билан тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини имзолаш ваколати берилсин.

Бунда жамоа (отряд) аъзосининг шартнома доирасида мажбуриятларини бажаришдан исталган вақтда бир томонлама воз кечиш ҳуқуқи назарда тутилсин.

3. Фуқароларни мажбурий ва зўраки меҳнатга, шунингдек вояга етмаган шахсларни меҳнатнинг тақиқланган шаклларига жалб этишга йўл қўймасликни назорат қилиш вазифаси уюшмаган аҳоли жамоаси (отряди) раҳбари зиммасига юклансин.

**Раислик қилувчи** ______________________
(фамилия, исм, шарифи)

**Котиб** ______________________
(фамилия, исм, шарифи)

2016 йил ҳосили учун етиштирилган пахта
хом ашёси йиғим-теримини ташкил
қилиш тизимига **4-илова**

# ШАРТНОМА №

## Теримчилар ихтиёрий жамоаси ва фермер хўжаликлари ўртасида хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома

_____________ тумани/шаҳри 20___ йил «___» ________

_________ туманида фаолият юритувчи фермер хўжаликлари (кейинги ўринларда **"Буюртмачи"**) номидан ишончнома асосида фаолият юритувчи _________ туман фермерлар Кенгаши раиси ________, бир томондан ва фуқароларнинг ихтиёрий бирлашган жамоаси "№__-отряд" (кейинги ўринларда **"Ижрочи"**) номидан ишонч билдирилган етакчи (отряд бошлиғи) фуқаро ____________иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Шартнома шартларига кўра "**Ижрочи**" "**Буюртмачи**"нинг топшириғи билан _______ туманида фаолият юритувчи фермер хўжаликлари экин майдонларида етиштирилган пахта хом-ашёсини "**Ижрочи**" томонидан йиғиб теришга кўмаклашиш, "**Буюртмачи**" эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### 2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Шартнома доирасида **"Буюртмачи"** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

пахта хом-ашёсини шартномада кўзда тутилган муддатлар, миқдорда ва сифатли териб топширилишини талаб қилиш.

Шартнома ижроси доирасида **"Ижрочи"**дан қонун талабларига риоя этилиши, хусусан, мажбурий меҳнат ва вояга етмаганлар меҳнатининг тақиқланган шаклларига жалб этмаслик бўйича қонун талабларига риоя этилишини талаб этиш.

2.2. Шартнома доирасида **"Буюртмачи"** қуйидаги мажбуриятларга эга:

**"Ижрочи"** пахта теримига жалб этилиши мумкин бўлган фермер хўжаликлари ҳақида камида 2 кун олдин хабардор қилиш;

фуқаролар ихтиёрий бирлашган жамоаси томонидан терилган пахта хом ашёсини қабул қилиб олинишини ташкил этиш;

топширилган пахта миқдори учун давлат томонидан белгилангандан кам бўлмаган миқдорда ва муддатларда (ҳар куни/кечи билан беш кундан ошмайдиган муддатда) ҳақ тўланишини таъминлаш;

фуқароларнинг ихтиёрий бирлашган жамоаси учун муносиб маиший, хавфсизлик, гигиеник шароитлар яратилиши ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситалари билан таъминланишини таъминлаш.

2.3. Шартнома доирасида **"Ижрочи"** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

терилган пахта хом ашёсини қабул қилиб олишни ва унинг учун ўз вақтида ҳақ тўлашни талаб қилиш;

фуқароларнинг ихтиёрий бирлашган жамоаси учун муносиб меҳнат шароити, маиший ва гигиеник шароитлар яратилиши, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситалари билан таъминлашни талаб этиш.

2.4. Шартнома доирасида **"Ижрочи"** қуйидаги мажбуриятларга эга:

“Буюртмачи”нинг экин майдонидаги пахта хом-ашёсини шартномада кўзда тутилган муддатлар, миқдорда ва сифатли териб топшириш;

**“Буюртмачи”**нинг шартнома доирасидаги кўрсатмаларига риоя этиш.

### 3. Тарафларнинг жавобгарлиги

3.1. **“Буюртмачи” “Ижрочи”**ни пахта экин майдони билан таъминламаганлиги, терилган пахта хом-ашёсини қабул қилмаганлиги ва ўз вақтида ҳақ тўламаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

3.2. **“Ижрочи”** ўзига боглиқ бўлган сабабларга кўра, ўз зиммасидаги мажбуриятини бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

3.3. Фуқароларни мажбурий ва зўраки меҳнатга, шунингдек вояга етмаган шахсларни меҳнатнинг тақиқланган шаклларига жалб этганлик учун қуйидаги шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгардир:

“Буюртмачи”;

фуқароларнинг ихтиёрий бирлашган жамоаси етакчиси (отряд бошлиғи).

3.4. Тарафлардан ҳеч бири иккинчи тарафнинг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланмайди.

### 4. Низоларни ҳал қилиш тартиби

4.1. Тарафлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай низолар ўзаро келишув йўли билан мазкур шартномада белгиланган тартибда ҳал этилади.

4.2. Ўзаро келишувга эришилмаган ёки ҳал этилиши мазкур шартномада белгиланмаган ҳолларда низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

### 5. Якунловчи қоидалар

5.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

5.2. Шартномага киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг келишуви билан ёзма шаклда амалга оширилади.

5.3. Шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафни олдиндан огоҳлантириш шартисиз бекор қилиниши мумкин.

Бунда шартноманинг фуқароларнинг ихтиёрий бирлашган жамоаси (отряд) аъзоси ўзининг индивидуал мажбуриятларидан исталган вақтда бир томонлама воз кечишга ҳақли.

5.4. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан кучга киради ва мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилгунига қадар амал қилади.

Тарафлар ўзаро келишувига кўра, шартномада бошқа шартларни ҳам назарда тутишлари мумкин.

### 6. Тарафларнинг реквизитлар:

**“БУЮРТМАЧИ”** **“ИЖРОЧИ”**

2016 йил ҳосили учун етиштирилган пахта
хом ашёси йиғим-теримини ташкил
қилиш тизимига **5-илова**

# __________ туман ҳокими ________ ҳудудида жойлашган ___-отряднинг
# ПАСПОРТИ

**_________ худудидаги __-ОТРЯДнинг**
**ПАСПОРТИ**

| № | Отряд раҳбари ва аъзолари фамилияси, исми | | Ташкилот номи | Вазифаси | Мутахас-сислиги | Қўл телефон раками |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Отряд бошлиғи | | | | | |
| 2 | ИИБ ходими | | | | | |
| 3 | Банк ходими | | | | | |

Отряд кундалик дафтари (отряд раҳбари тўлдиради)
Отряд аъзолари «Ведемости» (банк ходими тўлдиради)
Отрядга бириктирилган фермер хўжаликлари сони та
Отрядга бириктирилган пахта майдони га
Контурлар сони та
Давлатга пахта сотиш топшириғи т
Ҳосилдорлик ц/га ц
Отрядга бириктирилган теримчилар сони нафар
Шундан:
Фермер хўжалиги аъзолари сони нафар
Уюшмаган аҳоли сони нафар
Ўртача бир теримчига тўғри келадиган пахта микдори кг
Ўртача бир теримчига тўғри келадиган пахта майдони га
Талаб этиладиган терим пули (1 кг 000 сўм ҳисобида) млн сўм

**Теримчилар учун талаб этиладиган анжомлар**

Этак дона
Тарози дона
Қозон-ўчоқ дона
Самовар дона
Сув сақлаш баклари дона
Фляга дона
Ёпгич дона

**Отряд аъзоларининг тушлик қиладиган манзили**

Отряд ошпази

1) 18-контурдаги ариқ ёнидаги катта тут дарахти атрофи
2) 29-контурдаги дала шийпони
3) 22-контурдаги ариқ ёндаги тутлар атрофи
4) 31- контур ёнидаги қайрогоч дарахти атрофи

**Жалб қилинадиган теримчилар учун ўртача бир кунда талаб қилинадиган озиқ-овқат махсулотлари микдори**

Ўсимлик ёғи (бир кишига ўртача 0.020 кг) кг

| | |
|---|---|
| Гуруч (бир кишига ўртача 0.025 кг) | кг |
| Картошка (бир кишига ўртача 0.138 кг) | кг |
| Пиёз (бир кишига ўртача 0.050 кг) | кг |
| Сабзи (бир кишига ўртача 0.055 кг) | кг |
| Гўшт (бир кишига ўртача 0.070 кг) | кг |
| Нон (бир кишига ўртача 0.380 кг) | дона |

**Отрядга бириктирилган пахта ташиш техникаси**

| № | Русуми | Давлат рақами | Ҳайдовчи-нинг исми фамилияси, телефон рақами | Пахта ташиш тиркамалари (тележка) сони | Қайси ММТП фермер хўжалиги ва бошқа ташкилотга тегишли | Пахта қабул қилиш манзилгохи орасидаги масофа, км | Талаб этиладиган ёқилғи миқдори, литр |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | | | |

**Отрядга бириктирилган фермер хўжаликлари**

| | Фермер хўжалиги номи | Пахта майдони (га) | Ўртача хосил-дорлик, га/ц | Контурлар сони | Шартномавий пахта сотиш топшириғи тонна | Биринчи терим давомийлиги, кун |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | **Жами** | | | | | |

**__-отряддаги теримчилар руйхати**

| № | Теримчининг исми фамилияси | Паспорт серияси | Туғилган йили | Яшаш манзили | Мавсум давомида теримда тўлиқ қатнашаман (шахсий имзо) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| 6 | | | | | |
| 7 | | | | | |
| 8 | | | | | |
| 9 | | | | | |
| 10 | | | | | |
| 11 | | | | | |
| 12 | | | | | |
| 13 | | | | | |
| 14 | | | | | |
| 15 | | | | | |
| 16 | | | | | |
| 17 | | | | | |
| 18 | | | | | |

| № | Теримчининг исми фамилияси | Паспорт серияси | Туғилган йили | Яшаш манзили | Мавсум давомида теримда тўлиқ қатнашаман (шахсий имзо) |
|---|---|---|---|---|---|
| 19 | | | | | |
| 20 | | | | | |
| 21 | | | | | |
| **Теримчиларни теримга жалб қилиш учун масъул: «____________» МФЙ посбони - ФИШ. Тел: (00) 000-00-00** | | | | | |
| 22 | | | | | |
| 23 | | | | | |
| 24 | | | | | |
| 25 | | | | | |
| 26 | | | | | |
| 27 | | | | | |
| 28 | | | | | |
| 29 | | | | | |
| 30 | | | | | |
| 31 | | | | | |
| 32 | | | | | |
| 33 | | | | | |
| 34 | | | | | |
| 35 | | | | | |
| 36 | | | | | |
| 37 | | | | | |
| 38 | | | | | |
| 39 | | | | | |
| 40 | | | | | |
| 41 | | | | | |
| 42 | | | | | |
| 43 | | | | | |
| 44 | | | | | |
| 45 | | | | | |
| 46 | | | | | |
| **Теримчиларни теримга жалб қилиш учун масъул: №___ умумтаълим мактаби директори - ФИШ. Тел: (00) 000-00-00** | | | | | |
| 47 | | | | | |
| 48 | | | | | |
| 49 | | | | | |
| 50 | | | | | |
| 51 | | | | | |
| 52 | | | | | |
| 53 | | | | | |
| 54 | | | | | |
| 55 | | | | | |
| 56 | | | | | |
| 57 | | | | | |
| 58 | | | | | |
| 59 | | | | | |
| 60 | | | | | |
| 61 | | | | | |

| № | Теримчининг исми фамилияси | Паспорт серияси | Туғилган йили | Яшаш манзили | Мавсум давомида теримда тўлиқ қатнашаман (шахсий имзо) |
|---|---|---|---|---|---|
| 62 | | | | | |
| 63 | | | | | |
| 64 | | | | | |
| 65 | | | | | |
| 66 | | | | | |
| 67 | | | | | |
| 68 | | | | | |
| 69 | | | | | |
| 70 | | | | | |
| **Теримчиларни теримга жалб қилиш учун масъул:<br>№___ умумтаълим мактаби ўқитувчиси - ФИШ. Тел: (00) 000-00-00** | | | | | |
| 71 | | | | | |
| 72 | | | | | |
| 73 | | | | | |
| 74 | | | | | |
| 75 | | | | | |
| 76 | | | | | |
| 77 | | | | | |
| 78 | | | | | |
| 79 | | | | | |
| 80 | | | | | |
| 81 | | | | | |
| 82 | | | | | |
| 83 | | | | | |
| 84 | | | | | |
| 85 | | | | | |
| 86 | | | | | |
| 87 | | | | | |
| 88 | | | | | |
| 89 | | | | | |
| 90 | | | | | |
| **Теримчиларни теримга жалб қилиш учун масъул:<br>«_____________» МФЙ раиси - ФИШ. Тел: (00) 000-00-00** | | | | | |
| 91 | | | | | |
| 92 | | | | | |
| 94 | | | | | |
| 95 | | | | | |
| 96 | | | | | |
| 97 | | | | | |
| 98 | | | | | |
| 99 | | | | | |
| 100 | | | | | |
| 101 | | | | | |
| 102 | | | | | |
| 103 | | | | | |
| 104 | | | | | |
| 105 | | | | | |

| № | Теримчининг исми фамилияси | Паспорт серияси | Туғилган йили | Яшаш манзили | Мавсум давомида теримда тўлиқ қатнашаман (шахсий имзо) |
|---|---|---|---|---|---|
| 106 | | | | | |
| 107 | | | | | |
| 108 | | | | | |
| **Теримчиларни теримга жалб қилиш учун масъул: «__________» алоқа бўлими бўлим бошлиғи - ФИШ. Тел: (00) 000-00-00** | | | | | |

**Отряднинг теримчи аъзолари йиғилиши 2016 йил __ август куни ўтказилди.**

**Теримчилар рўйхатини тасдиқлайман ва мавсум давомида тўлиқ қатнашишини таъминлайман** **Ф.И.Ш.**